

"Наманган йўл хўжалиги ходимлари малакасини ошириш ўқув маркази" унитар корхонаси

Хамидов Собитхон Обидинович

Қабул кунлари: Сешанба - Пайшанба соат 14:00-16:00

Наманган шаҳар 160137 Саноат кўчаси 19-уй

?????: ?????????? ??????, ?????? ?????????? ??????????.

Транспорт:

4. 23.21.

(0 369) 237-21-40

(0 369) 237-33-82

namanganmalakamarkaz@uzavtoyul.uz

"Наманган йўл хўжалиги ходимлари малакасини ошириш ўқув маркази" унитар
корхонасининг функционал вазифалари

- қурилиш материаллари ва конструкцияларини синаш, автомобиль йўлларини қуриш ва таъмирлаш технологиясини ҳамда сифатини илмий экспертизадан ўтказиш;
- лойиха-смета, конструкторлик хужжатларини тайёрлаш, йўл соҳасига оид меъёрий хужжатларни ишлаб чиқиш;
- янги, тежамкорликни таъминловчи технологиялар ва материаллар бўйича изланишлар ва амалиётга тадбиқ этиш бўйича ишлар олиб бориш;
- йўл соҳаси мутахассисларини ўқитиш, малакасини ошириш, улар учун ўқув-методик хужжатлар тайёрлаш ва таъминлаш, ахборот-ноширлик, консалтинг хизматлари кўрсатиш, инженеринг, воситачилик, дилерлик ва бошқа хизматларни бажаришда ёрдам бериш;
- йўл соҳасига тегишли Республика ва халқаро миқёсдаги меъёрий хужжатларни, уларнинг таркибий тизимларини, муҳандислик, иктисодий ва молиявий таъминот асосларини ўрганиш ва уларни таққослаш, ҳамда амалдаги меъёрий хужжатларни такомиллаштириш бўйича, жаҳон илғор амалиётини маҳаллий шароитларда тадбиқ этиш бўйича таклифлар киритиш;

- йўл хўжалигини юритишнинг илмий асосланган, тежамкор ҳамда унумли усулларини ишлаб чиқиш ва улар бўйича ваколатли ташкилотларга таклифлар киритиш;
- автомобиль йўллари ҳолатини ва транспорт фойдаланиш даражаларини ўрганиш, уларни хатловдан ўтказиш ва паспортлаштириш, улардаги транспортлар қатновини ва тезлигини ҳисобга олиш, ҳамда ахборот ва маълумотлар банкни ташкил қилиш, йўллардан фойдаланиш лойиҳаларини тайёрлаш;
- ҳаракат хавфсизлиги хизматини ташкил қилиш бўйича ҳужжатлар ишлаб чиқиш ва амалга тадбиқ қилишга кўмаклашиш;
- ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш бўйича дастурлар, лойиҳалар ва таклифлар ишлаб чиқиш;
- автомобиль йўлларини сақлаш, таъмирлаш ва қайта қуриш ишларини, ҳамда йўл тармоқларини такомиллаштириш ва ривожлантиришни техник ва иктисодий асослаб бериш, уларни жорий ва истиқболли режа ва концепцияларини ишлаб чиқиш, йўл тармоғини илмий-техникавий ривожлантиришдаги устувор йўналишларини аниқлаш, кўшма илмий-техникавий дастурларни ишлаб чиқиш ва уларни амалга тадбиқ қилиш;
- диагностика қилиш ишларини амалга ошириш;
- автомобиль йўллари ва ундаги иншоотларни лойиҳалаш, экспертизадан ўтказиш, йўл ишларини илмий экспертизадан ўтказиш, йўл қурилиш материаллари баҳоси ва йўл ишлари сметаларини ишлаб чиқиш, уларни амалда қўллаш бўйича қўлланмалар яратиш;
- автомобиль йўлларини эстетик ва меъморий безаш лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва изланишлар олиб бориш;
- автомобиль йўлларида фавқулотда содир бўладиган табиий офатларни олдини олиш бўйича лойиҳа ва техник-муҳандислик таклифларини тайёрлаш;
- корхона ва ташкилотларда йўл соҳаси бўйича лабораториялар ташкил қилишда кўмаклашиш;
- корхона ва ташкилотлар ҳамда лабораторияларда ишлатилаётган ўлчов ва синов-асбоб ускуналарга метрологик хизматини ташкил қилиш;
- автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва таъмирлаш ишларида, қурилиш материаллари ва конструкцияларини ишлаб чиқаришда, хом-ашё ва маҳаллий материаллар ва грунтлар хоссаларини аниқлаб бериш, тош ва қум карьерларини, АБЦ, ЦБЦ кадастрини, технологик регламентларини ишлаб чиқиш;
- қурилиш материалларини ишлаб чиқаришда, ҳамда автомобиль йўлларини қуриш, қайта қуриш ва таъмирлаш ишларини бажаришда амалдаги меъёрий ҳужжатлар ва халқаро стандартлар асосида шартномалар бўйича техник назоратни олиб бориш;
- илмий-текшириш ва тажриба синов ишларини олиб бориш, иктисодий самарадор, хом ашё ва ёнилғи тежамкор материал ва конструкциялар, ҳамда технологиялар яратиш бўйича изланишлар олиб бориш ва уларни ишлаб чиқаришга тадбиқ қилиш, маҳаллий ва ишлаб чиқаришни иккиламчи маҳсулотларини кўпроқ ишлатишни йўлга қўйиш;
- автомобиль йўлларини таъмирлаш ва қурилиш ишларига янги техника, кичик йўл қуриш механизмлари, жихозлари, ускуналарини тадбиқ қилиш, хорижий жихозлар ва

технологиялар сотиб олиш бўйича техник иктисодий асослаш лойихаси ва тендер хужжатларини тайёрлаш бўйича консалтинг хизматларини кўрсатиш;

- атроф-мухит муҳофазаси ва меҳнат хавфсизлиги бўйича лойихалар ишлаб чиқиш ва таклифлар киритиш;
- кўприкларни лойихалаш, паспортлаш ва синовдан ўтказиш ишларини амалга ошириш;
- қурилиш ва лойиха ишлари учун муҳандислик қидирув, геодезия ишларини олиб бориш ва йўл кадастрини юритиш;
- хайдовчилик курсларини ташкил қилиш, хайдовчилик гувоҳномаларини лицензия асосида бериш;
- ташки иктисодий фаолият юритиш;
- фойда олиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги доирасида бошқа фаолият турлари билан шуғулланади.

[Низомни юклаб олиш \(pdf, 256 kb\)](#)